

2005 йил июлдан чиқа бошлаган



Парламент хабарлари

Олий Мажлис Сенатида

АХОЛИ БАНДЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШ – УСТУВОР
СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ВАЗИФА

Хоразм вилояти ҳокимлигига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси томонидан «2010 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва ахоли бандлигини таъминлаш дастурининг самарадорлиги: мониторинг натижалари ва муаммоларни ҳал этиш йўллари» мавзууда ташкил қилинган давра сұхбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маъруzasida «Бугунги кунда давлат ва жамият қурилиши соҳасида мамлакатимиз олдида ўзининг миқёси ва қамровига кўра улкан вазифалар турибди. Жаҳон молиявий-иктисодий инқизози ҳали-бери давом этаётган оғир бир шароитда иқтисодиётимизнинг янада барқарор ривожланишини таъминлаш, уни диверсификация ва модернизация қилиш, ишлаб чиқариши техник қайта жиҳозлаш расидаги ишларни изчил давом эттиришимиз зарур», деб таъқидланди.

Иш ўринлари ташкил этиш бўйича назарда тутилган тадбирларни рўёбга чиқариш ва уларнинг амалга оширилиши устидан тизими назорат олиб бориш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2010 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва ахоли бандлигини таъминлаш дастури қабул қилинган.

Ушбу Дастурга мувофиқ, вазирлар ва муассасалар маълумотларига кўра, 2010 йилнинг биринчи чорагига 215,4 мингта иш ўрни яратилган бўлиб, улардан 69 фойиздан ортиги қишлоқ жойлардадир. Иш ўринларининг катта қисми – 135,4 мингтаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида, шу жумладан, қарийб 70 мингта иш ўрни хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида яратилди.

2010 йилнинг биринчи чорагига Хоразм вилоятида 15 424 та иш ўрни яратилди, шу жумладан, ишлаб чиқариш обьектларни ишга тушириш, ишлаб турган корхоналарни модернизация қилиш ва кенгайтириш ҳисобига 1 322 та иш ўрни, кичик корхоналар, микрофирмалар барпо этиш ва якка тартибда тадбиркорликни ривожлантариш ҳисобига 5 069 та, касаначиликни ташкил қилиш ҳисобига 4 913 та, социал ва бозор инфратузилмасини ривожлантариш ҳисобига 778 та, фермер ҳўжаликларни (паррандачилик, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик ва бошқаларни) ривожлантариш ҳисобига 3 136 та, ишламаётган корхоналар фаолиятини тикилаш ҳисобига 206 та иш ўрни яратилди.

Давра сұхбати қатнашчилари эришилган даражага қарамай, вилоятда юқорида айтиб ўтилган Дастурни амалга оширишда ташкилий-таҳлилий, молиявий ва техник хусусиятдаги камчиликлар мавжудларини кўрсатиб ўтдилар. Яратилаётган иш ўринлари ҳар доим ҳам малакали меҳнатдан фойдаланишини, меҳнатнинг техник даражаси

сини рағбатлантиравермайди, олинаётган даромадлар эса кўпгина ҳолларда ишлаб чиқариш самарадорлигини рағбатлантирамайди. Кўшкўпир, Шовот, Урганч туманларида ва Урганч шаҳрида иш ўринлари яратиша мавжуд имкониятлар тўлиқ ишга солинмаёттир. Масалан, ишлаб чиқариш обьектларини ишга тушириш, ишлаб турган корхоналарни модернизация қилиш ва кенгайтириш, кичик корхоналар, микрофирмалар барпо этиш ва якка тартибда тадбиркорликни ривожлантариш ҳисобига 2010 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва ахоли бандлигини таъминлаш дастурининг зарур кўрсатичлари таъминланмаган. Бундан ташкиари, ишчиларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига риоя қилиш, иш жойларида тегишли меҳнат шароитларини яратиш зарур, Дастурнинг икро этилиши устидан доимий мониторинг ўтказилишига алоҳида эътибор бериш лозим. Вилоядда норасмий секторда бандликинг юқори даражаси кузатилмоқда, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масалаларида қийинчиликлар мавжуд.

Шу муносабат билан меҳнат бозоридаги жараёнларни тартиба солиш учун касаба уюшмалари, иш берувчилар уюшмаларининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг ролини ошириш зарурлиги тўғрисида фикр билдирилди.

Давра сұхбатида биринчи навбатда иш ўринлари яратиш учун молиявий ресурслар оз талаб қилинадиган лойиҳалар ва худдий дастурларни амалга оширишга эътибор бериш зарурлиги, бунинг самарали шакли микромиялаш, шунингдек, шахсий, ёрдамчи ҳўжаликларда қорамол етишириши, йирик корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан касаначилик ўртасида кооперацияни қўллаб-куватлашдан, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантаришдан иборат бўлиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Тадбир қатнашчилари ахоли бандлиги соҳасидаги қонун ҳужжатларини жамоатчилик назоратини кучайтириш, шунингдек, ишга жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатишни либераллаштириш, иш жойларини ташкил этаётган иш берувчиларни рағбатлантириш нутқи назаридан янада такомиллаштириш зарурлигини таъкидлайдilar.

ЎзА материали асосида тайёрланди:

СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ХУҚУҚЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ
ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» руқнида танишиб чиқишингиз мумкин.

ДСҚ УЧУН ЯНГИ НИЗОМЛАР

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 майдаги «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишини янада такомиллаштириш тўғрисида» 98-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ кўмитаси тўғрисидаги ва Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ кўмитасининг Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси тўғрисидаги низомлар тасдиқланди («СБХ»нинг 2010 йил 3 июндаги 23 (827)-сонида чол этилган). Давлат солиқ кўмитаси тўғрисидаги низом билан унинг асосий вазифалари, функциялари, ваколатлари, мансабдор шахсларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги, моддий тавминот ва бошқа масалалар белгиланган.

Чунончи, давлат солиқ хизмати органларини ижтимоий ривожлантариш ва уларни моддий-техник таъминлаш жамғармаси ДСҚнинг Моддий ёрдам, ижтимоий муҳофаза, солиқ органларини ривожлантариш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармасига айлантирилди.

Белгиланишича, банкларда солиқ тўловчининг счётлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш кўйидаги ҳолларда давлат солиқ хизмати органлари қарорлари асосида амалга оширилиши мумкин:

солиқ тўловчи – юридик шахс томонидан солиқ ва (ёки) молиявий ҳисобот уни тақдим этишининг белгиланган муддати ўтгандан кейин 15 кун мобайнида тақдим этилмаганди;

солиқ тўловчи – юридик шахс маълум қилинган манзилда бўлмаганда.

Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси, у ҳақида қабул қилинган низомга мувофиқ, ўз ваколатлари доирасида кўйидаги ҳуқуқларга эга:

банклар ва бошқа кредит-молия ташкилотларидан бозорлар, савдо комплекслари, уларга туташ бўлган автотранспорт виситаларини вақтинга сақлаш жойлари (бундан кейин – бозорлар), шунингдек уларнинг худудида фаолиятни амалга оширувчи бошқа тадбиркорлик субъектларининг банк ҳисобракамларидан амалга оширилган операциялар тўғрисидаги маълумотларни олиш;

бозорлар, шунингдек уларнинг худудида фаолиятни амалга оширувчи тадбиркорлик субъектларининг кассалари ва касса хоналари, омборлари, архивларини муҳрлаб кўйиш;

текширилаётган ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларидан асосий виситалар, тавар-моддий бойликлар, пул маблағлари ва ҳисоб-китобларни хатловдан ўтказиши талаб қилиш;

тахдиллар, текширишлар ва экспертизалар ўтказиш учун товарлар, буюмлар, хом ашёлар, материаллар ва ярим тайёр маҳсулотларни науналарини, шунингдек ҳужжатларни олиб кўйиш;

бозорлар худудида аниқланган молиявий-иктисодий ва солиқ соҳаларида ҳуқуқ бузилишлари содир этилиши ҳолатлари бўйича төрговгача бўлган текширувлари ўтказиш, улар бўйича жинонай ишлар кўзғаш ва суриштирув ўтказиш ва бошқа ваколатлар.

Ҳужжат билан ҳукumat қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, уларнинг баъзилари ўз кучини йўқотган деб топилди.

ҚЎШИМЧАЛАР
КИРИТИЛДИ

Марказий банк бошқарувининг қарори (АВ томонидан 2010 йил 25 майда 1863-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг Миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобвараклари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритилди («Норма маслаҳатчи»нинг шу сонидаги ҳужжатлар пакетида чол этилмоқда).

2010 йил 4 июндан кучга кирди.

ЧЕТ ЭЛДАГИ
МЕҲНАТ ҲИСОБИ

Меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг буйруғи (АВ томонидан 2010 йил 27 майда 402-4-сон билан рўйхатдан ўтказилган) («СБХ»нинг 2010 йил 3 июндаги 23 (827)-сонида чол этилган) билан Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (рўйхат рақами 402, 1998 йил 29 январь) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Йўриқнома ҳукumatлараро, идоралараро шартномалар (битимлар) асосида ва хусусий меҳнат контрактлари бўйича республика худудидан ташқарида ишлаётган фуқароларнинг меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби билан тўлдирилган.

2010 йил 6 июндан кучга кирди.

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКTLAR DИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2010 йил 18 майдаги 268-аф-сонли буйруғига асосан «METIN-FINANS» масъулияти чекланган жамиятига 2008 йил 5 февралда берилган 00686-сонли лицензиянинг амал қилиши 2010 йилнинг 18 майдан тутатилди.

**Молия вазири ўринбосари
М. МИРЗАЕВ.**

1-бет

Қонун ҳужжатларига
қисқа шарҳ

\$1 = 1582,25 сўм

3-бет

Алимент олишига
ким ҳақли?

€ 1 = 1951,64 сўм

4-бет

Йўловчи ташувчи
ҳайдовчига талаблар

£ 1 = 2289,20 сўм

5-6-бетлар

Қонунчиликдаги
яниг ҳужжатлар

¥10 = 173,17 сўм

ИЖАРА МУДДАТИНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗУВЧИ ЭМС, ИЖАРАЧИ БЕЛГИЛАЙДИ

Хорижий инвесторнинг улуши 49%, давлат улуши 51% бўлган очиқ акциядорлик жамияти асосий бўлмаган филиални юритиш давомида бинони ижарага беради. Фуқаролик кодексининг 539, 574-моддаларига кўра каммида бир йил муддатга тузилган кўчмас мулкни ижарага олиш шартномалари давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

Шахримиздаги кадастр бўлими уч йилдан кам муддатга ижарага олиши назарда тутадиган шартномаларни рўйхатдан ўтказишдан бош тортяпти. Давлат мулки қўмитасининг худудий бўлинмаси хузурида ташкил этилган Марказда корхонанинг уларни рўйхатдан ўтказиши ажратмалар суммаси туфайли манфаатли эмас. Яна қандай органларда бинолар, хоналарни ижарага олиш шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш мумкинлигини маълум қилингиз.

Корхона юристи.

*ВМ хузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармаси, Коммунал хизмат кўрсатиш вазириги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазириги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамда давлат мулки қўмитаси томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 1998 йил 7 январда 387-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

**Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги «Давлат мулкини ижарага бериш тартибини таомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 102-сон қарорига илова.

***2001 йил 29 августдаги 257-II-сон Конун билан тасдиқланган таҳрирда.

ЭР-ХОТИННИНГ АЛИМЕНТ МАЖБУРИЯТЛАРИ

Эр-хотинни бир-бири билан нималар боғлаб турди, деган савол қўйилганда, биринчи навбатда муҳаббат, ўзаро ҳурмат, ғамхўрлик, умумий ҳаёт, фарзанд қўриш мақсади, деб жавоб берамиз. Лекин бу азалий туйгулар ва эзгу мақсадлардан ташқари эр-хотинни маълум ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳам боғлаб турди, яъни бу муносабатлар фақат ахлоқ-одоб меъёрлари билан-гина эмас, қонунлар билан ҳам тартибиға солинади.

Эр-хотин биргаликдаги ҳаёти давомида бир-бирини ҳар томонлама кўллаб-кувватлаши, ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан таянч бўлиши лозим. Шундагина оила мустаҳкам, оилавий мухит баркарор бўлади.

Ҳар бир оила ўз оилавий ва шахсий масалаларини бошқаларнинг аралашувусиз ўзи ҳал қиласи. Ҳусусан эр-хотин ўзларининг мулкий ҳукуқларидан қай тарзда фойдаланишларини, ўзаро бир-бирига таъминот бериш масаласини ўзлари ҳал қиласидар.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 1-моддасида таъкидлаб ўтилганидек, бирон бир шахснинг оила масалаларига ўзбошимчалик билан аралашшига йўл қўйилмайди, оила аъзолари ўз ҳукуқларини тўқсингликсиз амалга оширадилар ҳамда бу ҳукуқларнинг ҳимоя қилиниши таъминланади. Шахсий ва оилавий ишлардаги мустақилликни ҳар қандай ахлоқ қоидаларини инкор этиш, кўнгил тусаганча иш кўриш деб тушуниш керак эмас.

Эр-хотиндан бирининг ўз ҳукуқларини нотўғри амалга ошириши ёки мажбуриятларини бажаришдан бош тортиси иккинчисининг ҳукуқлари бузилишига олиб келиши мумкин. Бундай ҳолларда давлат ҳукуқий норма воситаси билан оила аъзоларининг ўзаро муносабатларини тартибиға солиш ва низоли масалаларни суд орқали ҳал қилиш тартибини белгилайди.

Кодекснинг 117-моддасида асосан эр-хотин бир-бирига маддий ёрдам берishi шарт, деб кўрсатилган. Улардан бири бу мажбуриятни бажармаган тақдирда, иккинчиси суд тартибида алимент талаб қилиш ҳукуқига эгадир.

Алимент ундириш деганда кўпчилигимиз ота ёки онадан боланинг таъминоти учун ундириладиган маблагни тушунамиз. Ваҳоланки, алимент мажбуриятлари фақат ота-она ва бола ўртасида ҳам вужудга келиб қолмасдан, балки эр-хотин ва собиқ эр-хотинлар ўртасида ҳам вужудга келиши мумкин. («Алимент» сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, «озиковқат», «нафака», таъминот», «бокса учун маблағлар» деган маънони англатади. Алимент мажбуриятлари фақат оила аъзолари ўртасида вужудга келади).

Эр-хотин бир-биридан суд тартибида алимент талаб қилиши учун бир қатор шартлар мавжуд. Агар, биринчидан эр ёки хотин меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолса, яъни у пенсия ёшига етган ёки касаллиги, ногиронлиги туфайли меҳнат қобилиятини йўқотган бўлса, иккинчидан, у ёрдамга муҳтоҳ бўлса ва уччинидан, алимент тўлаши шарт бўлган тараф ёрдам беришга қодир бўлса, эр-хотин бир-биридан суд тартибида алимент талаб қилиши мумкин.

Хотин ҳомиладорлик вақтида ва ўртада бола туғилган кундан бошлаб уч йил давомида ўзининг таъминоти учун алимент талаб қилишга ҳақли. Бу ҳолда унинг меҳнатга лаёқатли ёки лаёқатсиз эканлиги ахамиятга эга бўлмайди.

Умумий никоҳда туғилган ногирон бола ўн саккиз ўшга тўлгунча ёки болаликдан I гуруҳ ногирони бўлган болага қараган ёрдамга муҳтоҳ эр ёки хотин ҳам иккенидан ўзининг таъминоти учун суд тартибида алимент олиш ҳукуқига эгадир.

Алимент мажбуриятлари собиқ эр-хотинлар ўртасида ҳам вужудга келиши мумкин. Меҳнат лаёқатини никоҳдан ахралгунга қадар ёхуд никоҳдан ахралгундан сўнг бир йил давомида йўқотган, ёрдамга муҳтоҳ собиқ эр ёки хотин иккинчи томондан алимент талаб қилиш ҳукуқини сақлаб қолади.

Эр билан хотин ўртасидаги никоҳ муносабатларининг узок давом этганилиги никоҳдан ахралгундан бошлаб беш йил ичida пенсия ёшига етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтоҳ эр ёки хотин иккинчи томондан алимент талаб қилиш ҳукуқига эгадир.

Шунингдек, ўртадаги ногирон бола вояга етгунга қадар ёки болаликдан I гуруҳ ногирони бўлган болага қараган муҳтоҳ собиқ эр ёки хотин иккинчи томондан ўзининг таъминоти учун алимент талаб қилишга ҳақли.

Суд эр ёки хотинга (собиқ эр ёки хотинга) ундириб бериладиган алимент суммасини уларнинг маддий ва оилавий ахволини ҳамда тарафларнинг эътиборга лойик бўшка манфаатларини ҳисобга олиб, ҳар ойда тўланадиган қатъий суммада белгилайди.

Алимент тўловчи ёки алимент оловчи

– Яшаш учун мўлжалланмаган бинолар, хоналарни ижарага олиш шартномасини (шартномаларини) давлат рўйхатидан ўтказиш фақат туман, шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бўйича хизмати (бўлими)да амалга оширилади (Бинолар ва иншоотларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида йўриқноманинг* 3-банди). Ҳатто агар сиз қўчмас мулкинингни ДМК хузуридаги давлат мол-мulkini ижарага орқали топширангиз, мазкур шартнома ҳам туман, шаҳар ер ресурслари ва давлат

кадастри бўйича хизмати (бўлими)да давлат рўйхатидан ўтказилиши керак (Давлат мулкни ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг** 21-банди).

Фақат агар бино, хона бир йилдан кам муддатга (масалан, ўн бир ойга) ижарага берилса, давлат мол-мulkini ижарага олиш шартномасини давлат рўйхатидан ўтказиш талаб қилинмайди.

Реклама



Эксперт маълумотнома тизими

КОРХОНА ЮРИСТИ

Харид килиш масалалари бўйича кўйидагиларга мурожаат қилинг:
Тошкент ш., М.Улугбек тумани, X.Олимжон майдони, 10-а-й.
Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс:(998 71) 237-45-29.
E-mail: info@norma.uz, web:www.norma.uz

Ноанъанавий савол

ОНАЛАР ҚУВОНСИН ДЕБ



Озиқ-овқат савдосига ихтисослашган чоғроқ тармогимиз бор. Харидорларни кўпайтириш учун қонун-қоида доирасидан четта чиқмаган ҳолда янги дастурни ишга солмоқчимиз. Шу хусусда қандай маслаҳат бера оласиз?

– Энг аввало дисконт карталарни киритинг. Харидор юзасидан ҳисоб-китоб қилаётганда харидор шундай картани кўрсатгач, муайян сийлов олади. Бу ҳол уни фақат сизлардан харидор килишига рабатлантириди. Кўпгина мамлакатларда, шу жумладан кўшини мамлакатларда ҳам деярли ҳар бир дўконда ишлатиб келинаётган бўлса-да, бизда бундай карталар ҳозирча унча ривож топмаган. Шу сабабли уларда истемолчилар учун бу янгилик одатий нарса. Асосий харидорларни сиз карточка ва сийловлариз ҳам кўпайтиришингиз мумкин. Одамларни синклаб кузатинг, уларнинг муммалоридан ҳамиша боҳабар бўлинг.

Ирландиядаги «Superquinn» супермаркетлар тармоги таҳрибаси бу борада фикрингизга турткি бўлиши мумкин. Мазкур тармок асосчиси Фергал Куин бир пайтлар ҳеч кимнинг хәёлига келмаган ечим топган ба бу янгилик натижасида харидор аёлларнинг «қуршови»да қолган эди, ҳисоб. У касса атрофидаги шириналар со-тиладиган барча пештахталарни олиб ташлаб, ўзининг ҳамма дўконларида болалар майдончалари жиҳозлаган эди. «Ша кезлари онаси касса олдида навбат кутиб турганда холи қолдирилган боланинг кўзи шириналардан ўйнаб кетарди. Бу ҳол кўпичча боланинг хархашаси ортиб, биронта шириналар сотиб олмагунча тугамайдиган жанжалга сабаб бўларди», – деб эслайди у ўзининг «Харидорга тож кийдириб» деган китобида.

Касса атрофидаги савдо-сотиқ қилиш баъзилар ўйланидек жуда наф келтирадиган эмаслигини, чунки у муайян харид келганларнинг режасини бузадиган иш эканлигини Куин тушунди. Харидорлар билан яки мулкотда бўлиб, ёш болалари билан нарса сотиб олиш учун келган оналарга бу муайян муракабликлар келтиришини англаб етди. У жорий этган янгилик оқибатида қанча фойдадан маҳрум бўлиш мумкинлигини ҳисоблаб кўриб бухгалтерлар бошларни чанглаб қолдилар. Лекин ёш оналар учун ишбилиармон маъқул усул топганилигини жувонларнинг ўзаро сұхбатидан билиш мумкин. «Биласаним, уч яшар элизак болаларим бор, уларнинг хархашасини кўтариш учун кунига дори ичаман. Дўконга боришга тўғри келганда-ку, бир йўла учтадан ҳапдори ичишига тўғри келади. Бошқа супермаркетларда болаларни «тизгилаб» бўлмайди, гирт ғалванинг ўзи», – деди ўтга бўйли аёл. «Худди шу сабабли ҳам ёнгинамиздаги икита супермаркет қолиб шу ерга қатнайман», – деди нозиккина жувон.

Бизнесда муаммога дуч келдингизми?

Марҳамат, саволларнингизни pormapress@mail.ru манзилига юборинг, биз ўз таҳрибамизга, шуннингдек етакчи маслаҳатчиларнинг иш таҳрибаси ва амалиётига таяниб ёрдам беришга ҳаракат киламиз. Шунга қарамайди, бизнинг маслаҳатларимизга тўғридан-тўғри ҳаракаттага кўрсатма деб қарамаслигингиз керак – сиз улардан хошингизга ҳараба фойдаланишингиз (ёки фойдаланмаслигингиз) мумкин. Шу руҳ остида эълон қилинган тавсияларга асосланниб қўлган ҳаракатларнингиз учун «Норма маслаҳатчи» жавоб бермайди.

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

- ИДОРАВИЙ-МЕЬЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР:

- ЎзР МББнинг «Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг Миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори;
- ЎзР молия вазирининг «Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйрги.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИННИГ
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК ДЕПОЗИТОРЛАРИНИНГ
МИЛЛИЙ АХБОРОТЛАР БАЗАСИ ВА УНДА МИЖОЗЛАРГА
ХОС РАҚАМ БЕРИШ ҲАМДА БАНК ҲИСОБВАРАҚЛАРИ РЎЙХАТИНИ
ЮРИТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА
ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 25 майда рўйхатдан ўтказилган,
рўйхат рақами 1863-1.*

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2010 йил, 21-сон, 163-модда)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси-нинг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда) 7 ва 17-моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 23 августдаги 18/6-сонли қарори (рўйхат рақами 1863, 2008 йил 27 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 40-41-сон, 414-модда) билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси банк депози-

торларининг Миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисидаги низом»га иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсан.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Марказий банк раиси
Ф.МУЛЛАЖОНОВ.**

Тошкент ш.,
2010 йил 11 май
18/5-сон.

ЎзР МББнинг
2010 йил 11 майдаги 18/5-сон қарорига
ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК ДЕПОЗИТОРЛАРИНИНГ
МИЛЛИЙ АХБОРОТЛАР БАЗАСИ ВА УНДА МИЖОЗЛАРГА ХОС РАҚАМ БЕРИШ ҲАМДА
БАНК ҲИСОБВАРАҚЛАРИ РЎЙХАТИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА
КИРИТИЛАЁТГАН ҚЎШИМЧАЛАР**

1. Низомнинг 1-иловаси қўйидаги таҳрирдаги «21» ва «22» белгилар билан тўлдирилсан:

«21» белги – Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси 96-моддасига мувофиқ солиқ ва (ёки) молиявий ҳисобот уни тақдим этишниңг белгиланган муддати тугаганидан кейин ўн беш кун ичida солиқ тўловчи – юридик шахс томонидан тақдим этилмаганда ёки солиқ тўловчи – юридик шахс кўрсатилган манзилда бўлмаганда давлат солиқ хизмати органларининг қарорлари асосида ушбу юридик шахснинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операциялар тўхтатиб турилган ҳолларда БДМАБ орқали Давлат солиқ қўмитасига ва барча иккиламчи ҳисобварақ очган банкларга узатилади.

«22» белги – Ўзбекистон Республикасининг Солиқ ко-

декси 96-моддасига мувофиқ солиқ ва (ёки) молиявий ҳисобот уни тақдим этишниңг белгиланган муддати тугаганидан кейин ўн беш кун ичida солиқ тўловчи – юридик шахс томонидан тақдим этилмаганда ёки солиқ тўловчи – юридик шахс кўрсатилган манзилда бўлмаганда давлат солиқ хизмати органларининг қарорлари асосида ушбу юридик шахснинг банклардаги операциялар тўхтатиб турилган ҳисобварақлари қайта ҳаракатга келтирилган ҳолларда БДМАБ орқали Давлат солиқ қўмитасига ва барча иккиламчи ҳисобварақ очган банкларга узатилади.

2. Низомнинг 5-иловаси Изоҳ қисмида «9» рақамидан кейин «21» рақами билан тўлдирилсан.

3. Низомнинг 6-иловаси Изоҳ қисмида «19» рақамидан кейин «22» рақами билан тўлдирилсан.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУГИ**

АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИ БАЛАНСДАН ЧИҚАРИШ

ТАРТИБИ ТҮГРИСИДАГИ НИЗОМГА

ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 12 майда рўйхатдан ўтказилган,
рўйхат рақами 1401-1.*

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2010 йил, 18-19-сон, 144-модда)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сон «Бюджет ташкилотлари ва давлат унитар корхоналарининг асосий воситаларини ҳамда қурилиши тугалланмаган обьектларини сотиш, шунингдек уларни сотишдан тушган пул маблағларини тақсимлаш тартиби түгрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 578-модда) мувофиқ буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2004 йил 16 августдаги 101-сон бўйруғи (рўйхат рақами

***2010 йил 22 майдан кучга киради.**

1401, 2004 йил 29 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 34-35-сон, 398-модда) билан тасдиқланган Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби түгрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартериш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур бўйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири
РАЗИМОВ.**

*Тошкент ш.,
2010 йил 6 апрель
28-сон.*

*ЎзР молия вазирининг 2010 йил 6 апрелдаги 28-сон бўйруғига
ИЛОВА*

**АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИ БАЛАНСДАН ЧИҚАРИШ ТАРТИБИ
ТҮГРИСИДАГИ НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН
ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

1. Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби түгрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 142-м.), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги «Бюджет ташкилотлари ва давлат унитар корхоналарининг асосий воситаларини ҳамда қурилиши тугалланмаган обьектларини сотиш, шунингдек уларни сотишдан тушган пул маблағларини тақсимлаш тартиби түгрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 343-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 578-м.), Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2003 йил 9 октябрдаги 114-сон бўйруғи билан тасдиқланган (5-сон БХМС) «Асосий воситалар» (рўйхат рақами 1299, 2004 йил 20 январь) (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 3-сон, 35-м.) ва Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2009 йил 6 апрелдаги 41-сон бўйруғи билан тасдиқланган (6-сон БХМС) «Ижара ҳисоби»га (рўйхат рақами 1946, 2009 йил 24 апрель) (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 17-сон, 220-м.) мувофиқ бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ бухгалтерия ҳисобида асосий воситаларни ҳисобдан чиқаришнинг ягона услубий асосини белгилайди».

2. Ҳужжат матнидаги:

«узоқ муддатли ижара» сўzlари тегишли келишиклардаги «молиявий ижара» сўzlари билан алмаштирилсин.

8510-ҳисобварақ номланишидаги «Мол-мулкни» сўzlари «Узоқ муддатли активларни» сўzlари билан алмаштирилсин.

3. 7-банднинг:

«а» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) бюджет ташкилотлари – тегишли юқори турувчи ташкилот билан келишган ҳолда, юқори турувчи ташкилот бўлмаган тақдирда - қонун ҳужжатларига мувофиқ мустақил равищда»;

«в» кичик бандидаги «мол-мулкнинг мулкдори» сўzlари «муассиси» сўзи билан алмаштирилсин.

4. 16-банднинг:

«а» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) бюджет ташкилотларида – тегишли юқори турувчи ташкилотлар билан бирга, юқори турувчи ташкилот бўлмаган тақдирда - қонун ҳужжатларига мувофиқ мустақил равищда»;

«в» кичик бандидаги «мол-мулкнинг мулкдори» сўzlари «муассиси» сўзи билан алмаштирилсин.

5. 18-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. Бюджет ташкилотлари учун тугатилган асосий воситаларни қисмларга ажратиш ва демонтаж қилишдан олинган товар-моддий бойликларни сотишдан олинган маблағлар қонун ҳужжатларига мувофиқ тақсимланади».

6. 21-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«21. Бюджет ташкилотларида асосий воситаларни тугатиш муносабати билан уларни балансдан ҳисобдан чиқариш бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) агар эскириш ҳисоблаб ёзилмаган бўлса:

«Асосий воситалардаги фонд» 250-ёрдамчи ҳисобварағи дебети;

«Асосий воситалар» ҳисобварагининг тегишли ёрдамчи ҳисобварағи кредити;

б) эскириш тўлиқ ҳисоблаб ёзилмагандага:

«Асосий воситалардаги фонд» 250-ёрдамчи ҳисобварағи дебети;

«Асосий воситаларнинг эскириши» 020-ёрдамчи ҳисобварағи дебети;

«Асосий воситалар» ҳисобварағи тегишли ёрдамчи ҳисобварағи кредити;

в) эскириш тўлиқ ҳисоблаб ёзилганда:

«Асосий воситаларнинг эскириши» 020-ёрдамчи ҳисобварағи дебети;

«Асосий воситалар» ҳисобварагининг тегишли ёрдамчи ҳисобварағи кредити;

г) олинган узеллар, деталлар, материаллар, рангли ва қимматбаҳо metalllar қийматини кирим қилиш:

«Материаллар ва озиқ-овқат маҳсулотлари» 06-ҳисобвара-

гининг тегишли ёрдамчи ҳисобварафи ва бошқа ёрдамчи ҳисобварақлар дебети;

«Ташкилот харажатлари ва бошқа тадбирлар учун бюджетдан молиялаштириш» 230-ёрдамчи ҳисобварафи кредити (газначилик хизмати кўрсатилишига ўтмаган бюджет ташкилотлари бўйича);

«Инвентаризация натижасида аниқланган текинга олинган (берилган) товар-моддий бойликлар ва пул маблағларини кирим қилиши» 273-ёрдамчи ҳисобварафи кредити (газначилик хизмати кўрсатилишига ўтган бюджет ташкилотлари бўйича).»

7. 23-бандда:

«В» кичик бандидаги «мол-мулкининг мулқдори» сўзлари «муассиси» сўзи билан алмаштирилсин;

куйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бюджет ташкилотлари ва давлат корхоналарида асосий воситаларни сотишнинг (Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига биноан сотиладиган асосий воситалар бундан мустасно) мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги қарор қабул қилиш учун мазкур Низомнинг 8-бандида кўрсатилган тартибда комиссия тузилади.

